

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc/PhD.03/30.12.2019.Fil.20.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАҢЛАР АКАДЕМИЯСИ
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН БЎЛИМИ
ҚОРАҚАЛПОҚ ГУМАНИТАР ФАҢЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

ТЛЕУНИЯЗОВА ГУЛМИРА БАЙНИЯЗОВНА

**ҲОЗИРГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ЛИРИКАСИДА КОМПОЗИЦИОН
ИЗЛАНИШЛАР
(1990-2010 йиллар)**

10.00.12 – Қорақалпоқ адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАҢЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус – 2021

**Филология бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати
мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of Philosophy (PhD) on
Philological Sciences**

Тлеуниязова Гулмира Байниязовна

Ҳозирги қорақалпоқ лирикасида композицион изланишлар

(1990-2010 йиллар)..... 5

Тлеуниязова Гулмира Байниязовна

Композиционные искания в современной каракалпакской лирике

(1990-2010-е годы)..... 23

Tleuniyazova Gulmira Bayniyazovna

Compositional searching in modern karakalpak lyrics (the 1990-
2010th)..... 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 49

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc/PhD.03/30.12.2019.Fil.20.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАҢЛАР АКАДЕМИЯСИ
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН БЎЛИМИ
ҚОРАҚАЛПОҚ ГУМАНИТАР ФАҢЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

ТЛЕУНИЯЗОВА ГУЛМИРА БАЙНИЯЗОВНА

**ҲОЗИРГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ЛИРИКАСИДА КОМПОЗИЦИОН
ИЗЛАНИШЛАР
(1990-2010 йиллар)**

10.00.12 – Қорақалпоқ адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАҢЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус – 2021

Филология бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/Fil44 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида (karsu_info@edu.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Оразымбетов Қуўанышбай Келимбетович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Жаримбетов Қурбанбай Қудайназарович
филология фанлари доктори, профессор

Палымбетов Камалбай Сарсенбаевич
филология фанлари номзоди, доцент

Етакчи муассаса:

Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Қорақалпоқ давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc/PhD.30/3-0.12.2019.Fil.20.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «16» май кунги соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси, 1. Тел.: (99861) 223-59-25; факс: (99861) 223-59-25; e-mail: karsu_info@edu.uz).

Диссертация билан Қорақалпоқ давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (19 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси, 1-уй. Тел.: (99861) 223-59-25, факс: (99861) 223-59-25, email: karsu_info@edu.uz

Диссертация автореферати 2021 йил «6» май кунини тарқатилди. (2021 йил «6» май даги 1 рақамли реестр баённомаси).



Ш. Абдиназимов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

Г.Е. Карлыбаева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.д.

Қ.Қ. Жаримбетов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда фанлараро интеграция жараёни тезлашуви, глобал муносабат ҳамда ахборот алмашинув тизими кескинлашуви инсон руҳий оламини теран ифодалайдиган, унинг кўнгил пардаларига ҳамоҳанг назмда ҳам ўз жилосини топади. Ижтимоий ҳаётда қоим жиддий ислохотлар ҳар бир халқнинг бадиий тафаккурида ҳам бўй кўрсатди ва лирикада юксак ғоялар, умуминсоний қадриятлар, шунингдек, одамзод ҳиссий идроки омухталашувига замин ҳозирлади. Жорий ҳолат ҳаракатдаги адабий жараён маъно қатламларини белгилаш баробарида шеърини нутқ структурасини яхлит бадиий-эстетик ўзгаришлар сатҳида тадқиқ қилишни тақозо этади.

Дунё адабиётшунослигида бадиий асар талқинида вужудга келган янгиликлар поэтик тарҳ ўлчамлари, лирика компонентлари интизоми, тасвир руҳияти ва ифода мустақиллиги алоқаси, адабий ривожланиш қонуниятлари ҳамда эстетик тамойилларини янги идрок усулида ўрганишни ҳаётини заруратга айлантди. Айнан поэтик тафаккурда янги таомиллар ва ифода услуби синтезини композицион изланишлар вужудга келтиради, назмда матн композицияси интизоми, ички ҳамда ташқи омиллар муносабати, усул ва ижодкор фитрати бирикуви муаммо салмоғи ортишига олиб келади.

Миллий истиқлол даври адабиётшунослигида лирика образлилик ҳамда бадиийлик мезонлари асосида муайян даражада назарий умумлаштирилган. Аслида маъно бадиийлик даражасини формал муносабатлар тайин этади. Шу жумладан, қорақалпоқ адабиётшунослигида ҳам лирик ифода композицияси ҳануз-ҳанузгача батафсил ўрганилмаган. Айни пайтда, «энг катта бойлик – бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос – бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик – бу билимсизликдир! Шу сабабли ҳаммамиз учун замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш»¹ тақозоси илмий-назарий таълимот истиқболли йўналишларини белгилаши билан бирга, муаммо долзарблигини исботлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ-5812-сон «Профессional таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон «Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида», 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2019 йил 11 июлдаги ПҚ-4391-сон «Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва жорий фаолиятга доир бошқа меъриий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлашда ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси / Халқ сўзи. 2020 йил, 25 январь, 19 (7521).

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши талабларига мос бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Лирик асар композициясини илмий асосда ўрганишда жаҳон адабиётшунослигида бир нечта мактаблар шаклланди. Рус адабиётшунослигида В.М.Жирмунский, Б.М.Эйхенбаум, Б.В.Томашевский, М.Ю.Лотман, Е.Г.Эткинд, М.Л.Гаспаров, Н.И.Копылова, В.Е.Холшевников, М.М.Гиршман, О.Б.Маркова, Л.Г.Кайда, Ю.М.Никишов, В.В.Савельева, С.А.Матяш, Р.А.Евсеева, О.В.Слонь ва бошқалар лирик асар композицияси бўйича махсус тадқиқот ишларини олиб борди².

Туркий халқлар адабиётшунослигида лирик асар композициясининг ўрганилиш даражаси бирдек эмас ва бу муаммо ўзбек, башқурд, қozoқ ва бошқа халқлар миллий адабиётининг ҳар хил масалалар таркибида тадқиқ қилинди³.

Қорақалпоқ адабиётшунослигида адабий композиция масалалари С.Ахметов, Қ.Султанов ва К.Мамбетовлар томонидан назарий жиҳатдан ўрганилган бўлса⁴, Ж.Есенов, П.Нуржанов, Ж.Сагидуллаева, З.Бекбергенова ва бошқа олимларнинг насрий асарлар композицияси масалалари бўйича

² Эйхенбаум Б.М. О поэзии. – Л.: Советский писатель, 1969; Томашевский Б.В. Теория литературы. Поэтика. – М.: Аспект-пресс, 1999; Лотман Ю.М. Анализ поэтического текста. Структура стиха. – М.: Просвещение, 1972; Ўша муаллиф. О поэтах и поэзии. Анализ поэтического текста. Статьи. Исследования. Занятия. – Санкт-Петербург: Искусство – СПб, 2001; Эткинд Е.Г. Симметрические композиции у Пушкина. – Париж: Institute d'etudes slaves, 1988; Гаспаров М.Л. Избранные труды: в 3 т. Т.2. – М.: Языки русской культуры, 1997; Копылова Н.И. Трактовка композиции лирического произведения в современном литературоведении (в работах 60-70-х гг.) // Поэтика литературы и фольклора. – Воронеж, 1980; Холшевников В.Е. Анализ композиции лирического стихотворения // Анализ одного стихотворения. – Л.: Изд. Ленинградского Университета, 1985; Гиршман М.М. Литературное произведение. Теория и практика анализа. – М.: Высшая школа, 1991; Маркова О.Б. Симметрия и асимметрия в стихотворном тексте: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Алматы, 1994; Кайда Л.Г. Композиционный анализ художественного текста: Теория. Методология. Алгоритмы обратной связи. – М.: Флинта, 2000; Никишов Ю.М. Лирика: Поэтика и типология композиции. – Калининград: Калининградский Государственный Университет, 1990; Савельева В.В. Художественный текст и художественный мир: проблемы организации. – Алматы: Дайк-Пресс, 1996; Матяш С.А. Вопросы поэтики русской эпиграммы. – Караганда: КарГУ, 1991; Евсеева Р.А. Поэтика композиции лирики В.А. Жуковского: Диссертация... кандидата филол. наук. – Оренбург, 2003; Слонь О.В. Композиция традиционных и нетрадиционных жанров русской середины XIX века (на материале поэзии Н.А. Некрасова): Диссертация... канд. филол. наук. – Оренбург, 2007.

³ Жамол Камол. Лирик шеърятда композиция // Адабиёт назарияси. Икки томлик. 1-том. – Т.: Фан, 1978; Ўраева Д.С. Ўзбек халқ кўшиқларида параллелизмларнинг характери ва бадиий-композицион вазифалари: Филол. фан. ном. дисс. автореф. – Т., 1993; Носиров Р. Халқ кўшиқлари композицияси. – Т.: Фан, 2006; Sulton I. Adabiyot nazariyasi. T.: O'qituvchi, 2005; Қўшжонов М. Асар композицияси. Сайланма, 2-том. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1983; Куронов Д. Назарий қайдлар. – Т.: Академнашр, 2018; Ҳамроев К. Ҳозирги ўзбек хикоясида композиция поэтикаси: Филол. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. Тошкент, 2018; Ахмедьянов К.А. Вопросы композиции башкирских поэм: Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Казань, 1963; Қабдолов З. Жебе. – Алматы: Жазушы, 1977; Ўша муаллиф. Сөз өнері. – Алматы: Санат, 2007; Ахметов З. Казахское стихосложение. – Алма-Ата: Наука, 1964; Ўша муаллиф. Өлең сөздің теориясы. – Алматы: Мектеп, 1973; Жұмалиев Қ. Әдебиет теориясы. – Алма-Ата: Қазақтың мемлекеттік оқу-педагогика баспасы, 1960; Қоңыратбаев Ә. Шеберлік сырлары. – Алматы: Жазушы, 1979.

⁴ Ахметов С., Султанов Қ. Әдебияттануы. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1987; Мәмбетов К. Әдебият теориясы. – Нөкис: Билим, 1995.

тадқиқотлари мавжуд⁵. Лирик асар композициясининг у ёки бу масалалари Қ.Байниязов, Қ.Муратбаев, А.Пирназаров, Қ.Жаримбетов, Қ.Оразымбетов, Б.Генжемуратов, Ж.Мақсотова, М.Мамбетова, У.Гайлыева, А.Досымбетова, Д.Пахратдинов, З.Бекбергенова⁶ каби олимларнинг шеърятга оид тадқиқот ишларида сўз этилгани билан, жаҳон адабиётшунослигидаги етакчи илмий назарий қарашлар асосида алоҳида тадқиқ қилинмаган.

Диссертация мавзусининг тадқиқот бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ Гуманитар фанлар илмий тадқиқот институтининг №Ф1-ФА-0-43429, ФА-Ф1, ГОО2. «Қорақалпоқ фольклори ва адабиёти жанрларининг назарий масалаларини ўрганиш» (2012-2016), ФА-Ф-1-005 «Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ этиш» (2017-2020) мавзусидаги фундаментал тадқиқотлар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бадиий композиция борасидаги муайян илмий-назарий қарашларни умумлаштириш асосида ҳозирги қорақалпоқ лирикасидаги композицион изланишларни аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

лирик асар композициясини адабий асарнинг асосий бирлиги сифатида қараш ва уни ўрганишнинг назарий асосларини белгилаш;

лирик асар композициясининг бадиий адабиётнинг бошқа турлари композициясидан фарқини, тамойилларини, бирликларини аниқлаш;

лирик асарнинг ички ва ташқи композицион хусусиятларини ўрганиш;

лирик асардаги композицион усулларнинг аҳамиятини ва вазифаларини аниқлаш;

лирик асарнинг композицион яхлитлигини таъминлаш масаласини шоирларнинг индивидуал изланишларини ўрганиш орқали ойдинлаштириш.

⁵ Есенов Ж. Шеберликнинг сырлари. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1986; Нуржанов П. Ҳазирги қарақалпақ романи поэтикаси (композициялық ҳам жанрлық-стильлик өзгешеликтери). – Нөкис: Билим, 2008; Сагидуллаева Ж. Қорақалпоқ қиссаларида услубий изланишлар (1980-йиллар қиссалари мисолида): Филол. фан. номз. дисс... автореф. – Нукус, 2010; Бекбергенова З. Қарақалпақ романларида кўркем сўз поэтикаси (1980-2010-жыллар). – Нөкис: Илим, 2016.

⁶ Байниязов Қ. Особенности поэтического стиля Аяпбергенова Мусаева (в сравнительном аспекте): Автореферат ... канд. филол. наук. – Нукус, 1968; Муратбаев Қ. Қарақалпақ поэзиясының қосық қурылысы. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1977; Пирназаров А. Өтеш, Омар ҳам фольклор. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1991; Ўша муаллиф. Жийен ҳам Омар шайырлардың дөретиўшилиқ шеберликтери. – Нөкис: Билим, 1993; Ўша муаллиф. Бердақ шығармаларында қолланылған дөретиўшилиқ усыллар. – Нөкис: Билим, 1998; Жәримбетов Қ. XIX әсир қарақалпақ лирикасының жанрлық қәсийеттери ҳам раўажланыў тарийхи. – Нөкис: Билим, 2004; Оразымбетов Қ. Ҳазирги қарақалпақ лирикасында кўркем формалардың эволюциясы ҳам типологиясы. – Нөкис: Билим, 2004; Генжемуратов Б. Әжинияз лирикасы поэтикасы. – Нөкис: Билим, 1997; Мақсотова Ж. Поэтическое мастерство Ибрагима Юсупова: Автореферат дис. ... канд. филол. наук. Ташкент, 1992; Мамбетова М. Стихосложение в поэзии И.Юсупова: Автореферат дис. ... канд. филол. наук. Нукус, 1999; Гайлыева У. Ғарезсизлик дәўири түркий халықлар лирикасында формалық изленислер ҳам олардың типологиясы (Өзбек, қарақалпақ, түркмен лирикасы мысалында). – Нөкис: Билим, 2018; Досымбетова А. Ш. Сейтов лирикаларында кўркем форма (дәстүрий ҳам жаңа формалардың синтези, сүўретлеў усыллары, еркин қосықлардың формалық өзгешеликтери): Филол. илим. канд. диссертациясы. – Нөкис, 2008; Пахратдинов Д. И.Юсупов лирикасында төртликлар. – Нөкис: ҚМУ, 2005; Бекбергенова З. Ҳазирги қарақалпақ поэзиясында фольклорлық дәстүрлер. – Нөкис: Илим, 2011.

Тадқиқотнинг объекти сифатида И.Юсупов, К.Рахманов, Т.Сарсенбаев, Д.Айтмуратов, У.Хожаназаров, Х.Даулетназаров, К.Каримов, Ж.Избасқанов, Т.Жийемуратов, А.Утепбергенов, Ҳ.Айымбетов, К.Реймов, А.Ажиниязов, Н.Торешова, М.Бердиев, О.Сатбаев, П.Мырзабаева, Г.Нурлеспесова, С.Ибрагимов, Б.Генжемуратов, Г.Даулетова ва бошқа шоирларнинг 1990-2010-йилларда эълон қилинган лирик асарлари танланган.

Тадқиқотнинг предметини ҳозирги қорақалпоқ лирикасидаги композицион изланишлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда қиёсий-типологик, қиёсий-тарихий, бадиий-эстетик ва структурал таҳлил усуллари билан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бадиий композициянинг лирик асарларда такомиллашуви, бошқа адабий тур асарлар композицияси билан типологияси, лирик композициянинг ички бирликлари, поэтик қонуниятлари аниқланган;

лирик асарларда образлар системаси, мотивлар, макон ва замон, конфликт ва сўз типларининг композиция сатҳидаги хоссалари ушбу турнинг специфик хусусиятлари нуқтаи назаридан илмий асосланган;

мазмунни поэтик ифодалашнинг анъанавий ва уч қисмли тузилиши ҳамда шеърнинг ташқи композициясининг шаклланиш хусусиятлари ёритилган;

қорақалпоқ шоирларининг лирик асар композициясида такрор, ёнма-ён қўйиш, қарама-қарши қўйиш, кучайтиш, монтаж усуллари ва очиқ, халқали, занжирли, бурама, амебей, ойнабанд типларини қўлланиш маҳорати очиқ берилган ҳамда муаллиф ижодий индивидуаллиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

адабиётшуносликдаги бадиий композиция поэтикаси тўғрисидаги назарий қарашларга шарҳ берилган, қорақалпоқ адабиётшунослигида жорий истилоҳ тадқиқ даражаси аниқланган;

ўрганилаётган давр қорақалпоқ лирикасида ички ва ташқи композициянинг бадиий-эстетик аҳамияти ойдинлаштирилган;

лирик асарлардаги композицион усулларнинг бадиий функциялари билан боғлиқ илмий-назарий қарашлар такомиллаштирилган;

лирик асар композицияси муаллифнинг ижодий ниятининг меваси эканлиги, индивидуал поэтик изланишлари етакчилиги исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган илмий ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг ишончли илмий ва бадиий манбалардан олинганлиги, илмий хулосалар қиёсий-типологик, бадиий-эстетик ва структурал таҳлил усуллари асосланганлиги, назарий қарашлар ва умумий хулосаларнинг амалиётда кенг қўлланилганлиги, олинган натижаларнинг тегишли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қорақалпоқ лирикасининг бадиий шакли бўйича илмий-назарий қарашларни тўлдиришда, келажакда адабий жараён ва индивидуал услуб масаласини ўрганишда, ҳозирги давр қорақалпоқ

лирикасининг бадий-эстетик қиймати ва тараққиёт қонуниятларини аниқлашда илмий манба сифатида хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қорақалпоқ лирикасининг назарий масалалари бўйича олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида махсус курс ва семинарларни ташкиллаштиришда, ҳозирги қорақалпоқ адабиёти бўйича дарслик ва ўқув қўлланмалар яратишда, «Адабиёт назарияси», «Мустақиллик даври қорақалпоқ адабиёти» фанлари мазмунини янада чуқурлаштириш ва янги қарашлар билан бойитишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ҳозирги қорақалпоқ лирикасидаги композицион изланишлар тадқиқоти бўйича олинган натижалар асосида:

лирик асар композициясининг спецификаси, хусусан, образлар системаси, банд тизими, қофия, сарлавҳа бўйича тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтида амалга оширилган Ф1-ФА-0-43429, ФА-Ф1, ГОО2 рақамли «Қорақалпоқ фольклори ва адабиёти жанрларининг назарий масалаларини тадқиқ қилиш» (2012-2016) фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2020 йил 1 декабрдаги 259/1-сон маълумотномаси). Натижада ҳозирги қорақалпоқ лирикасининг композицион хусусиятларини ўрганиш бўйича диссертациядаги назарий хулосалар ва амалий тавсиялар унда асосий манба сифатида қўлланилган;

қорақалпоқ шоирларининг бадий композицион шаклларини қўллашга доир илмий-назарий хулосалари шоир услуги бўйича олинган тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтида амалга оширилган М. 1-12 рақамли «XX аср қорақалпоқ шеърини антологиясини мустақиллик мафкураси нуқтаи назаридан нашрга тайёрлаш (2 жилд)» (2012-2013) амалий лойиҳасида фойдаланилган (Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2020 йил 1 декабрдаги 260/1-сон маълумотномаси). Натижада қорақалпоқ лирикасини мустақиллик мафкураси нуқтаи назаридан ўрганишда диссертация материаллари муҳим асос бўлган;

лирик асар композициясини танлашдаги муаллиф индивидуаллиги, жанрлар композицияси ва поэтик хусусиятларига оид илмий-назарий қарашлардан Қорақалпоғистон телерадиокомпаниясининг «Қайырлы таң», «Эдебий портрет» эшиттиришлари сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпаниясининг 2020 йил 16 октябрдаги 01-02/197 сон маълумотномаси). Мазкур хулосалар кенг халқ оммасининг бадий адабиётга қизиқишини янада кучайтириш ҳамда китобхонлик маданиятини ўстиришга хизмат қилган;

қорақалпоқ шоирларининг лирик асар композициясини қуришдаги изланишлари, шеър сарлавҳаси поэтикаси ва унинг бадий яхлитликдаги аҳамияти масалалари Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмасининг ёш

ижодкорлар семинарларида маъруза сифатида жорийланган (Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмасининг 2020 йил 17 августдаги 54 сон маълумотномаси). Натижада ёш шоирларнинг лирик асар композициясини куришдаги бадиий маҳорати такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 11 та, жумладан 4 та халқаро ва 7 та республика миқёсидаги анжуманларда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш нашр этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, шундан 9 таси республика ҳамда 2 таси хорижий мамлакатларнинг нуфузли журналларида чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 158 варақдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, ишнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги асосланган ҳолда уларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши ва апробацияси, эълон қилинганлиги ва диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумот берилган.

Биринчи боб «**Лирик асар композицияси ва унинг аҳамияти**» деб номланиб, у икки фаслдан ташкил топган. «Лирик асарлар композициясини ўрганишнинг назарий негизлари» деб номланган биринчи фаслида лирик асар композицияси умумий адабий композициянинг таркибий қисми эканлиги адабий композиция ҳақидаги назарий фикрларни умумлаштириш орқали асосланди.

Композиция бадиий асарни бутунлик сифатида муайян ғоявий-эстетик тамойилга йўналтириб ташкил этадиган категория сифатида «ҳар доим кўзга кўринмайдиган, муаллифнинг табиий уйғунликни англаш табиатига боғлиқ, эрксиз, ғайритабиий пайдо бўладиган нарсадай кўринган»⁷, «адабий асарнинг шаклининг бир томони: тасвирланаётган компонентларнинг ва бадиий сўз бирикларининг ўзаро мослиги ва жойлашиши»⁸ ҳисобланади.

⁷ Целкова Л.Н. Сюжет и композиция // Введение в литературоведение. – М.: ОНИКС, 2005. – С. 209.

⁸ Литературная энциклопедия. – М.: Интелвак, 2001. – С. 387.

Адабий композиция, хусусан шеър композицияси бўйича Аристотель, Флоробий, Алишер Навоий, Н.Буало, Б.А.Успенский сингари мутафаккирлар томонидан дастлабки фикрлар шакллантирилган бўлса, лирик композиция, унинг ўзига хос хусусиятлари жаҳон адабиётшунослигида кенг тадқиқ қилиниши, назарий асослари яратилиши XX асрнинг ютуғи ҳисобланади. Хусусан, рус адабиётшунослигида лирик композициянинг тадқиқи бир нечта аспектларда амалга оширилди. В.М.Жирмунский, Б.М.Эйхенбаум, Б.В.Томашевский ва бошқа олимлар лирик асар композициясини шаклий жиҳатдан тадқиқ қилдилар⁹. Иккинчи концепция тарафдорлари семантик нуқтаи назарни устун қўйди¹⁰. Улар композициядаги мавзунинг ҳаракати ва мотивларни адабий асарнинг маркази ҳисобладилар. 1970-1980 йилларда эса ушбу икки концепцияни бирлаштириб, лирик асар композициясини образли-тематик ва шаклий бирлик сифатида ўргана бошладилар¹¹. Бу борадаги тадқиқотларда шеър композицияси шакл ва мазмуннинг диалектик узвий қисми сифатида тушунтирилади.

Туркий халқлар адабиётшунослигида лирик асарлар композициясининг алоҳида тадқиқ қилиниши ўтган асрнинг 70-80 йилларидан бошланди. Жумладан, ўзбек адабиётшунослигида Жамол Камол лирик асар композицияга оид махсус тадқиқотида лирик композиция тушунчасини «мазмуннинг, поэтик ғоянинг аниқлиғи, ҳаққонийлиги, эмоционаллиги ва шу поэтик ғояга нисбатан қисмлар ва образларнинг мувофиқлиги даражаси, тасвир меъёри ва жойлашиш мутаносиблигидир»¹² дея тасдиқлайди. «Адабий турлар ва жанрлар»¹³ асарининг 2-жилдида ҳам лирик композициянинг бадиий бирликлари, бошқа турлар композициясидан фарқи масалалари лирик жанрлар таркибида аниқланади. Ўзбек халқ кўшиқларининг композицияси

⁹ Эйхенбаум Б.М. О поэзии. – Л.: Советский писатель, 1969; Томашевский Б.В. Теория литературы. Поэтика. – М.: Аспект-пресс, 1999.

¹⁰ Кожин В.В. Теория литературы. Основные проблемы в историческом освещении. Роды и жанры литературы. – М.: Изд. АН СССР, 1964; Гусев В.И. В середине века: о лирической поэзии 50-х годов. – М.: Советский писатель, 1960; Гинзбург Л. Я. О лирике. – М.: Интрада, 1997; Сильман Т.П. Заметки о лирике. – Л.: Советский писатель, 1977.

¹¹ Лотман Ю.М. Анализ поэтического текста. Структура стиха. – М.: Просвещение, 1972; Ўша муаллиф. О поэтах и поэзии. Анализ поэтического текста. Статьи. Исследования. Занятия. – Санкт-Петербург: Искусство – СПб, 2001; Эткинд Е.Г. Симметрические композиции у Пушкина. – Париж: Institute d'etudes slaves, 1988; Гаспаров М.Л. Избранные труды: в 3 т. Т.2. – М.: Языки русской культуры, 1997; Копылова Н.И. Трактовка композиции лирического произведения в современном литературоведении (в работах 60-70-х гг.) // Поэтика литературы и фольклора. – Воронеж: 1980; Холшевников В.Е. Анализ композиции лирического стихотворения // Анализ одного стихотворения. – Л.: Изд. Ленинградского Университета, 1985; Гиршман М.М. Литературное произведение. Теория и практика анализа. – М.: Высшая школа, 1991; Маркова О.Б. Симметрия и асимметрия в стихотворном тексте: Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Алматы, 1994; Кайда Л.Г. Композиционный анализ художественного текста: Теория. Методология. Алгоритмы обратной связи. – М.: Флинта, 2000; Никишов Ю.М. Лирика: Поэтика и типология композиции. – Калининград: Калининградский Государственный Университет, 1990; Савельева В.В. Художественный текст и художественный мир: проблемы организации. – Алматы: Дайк-Пресс, 1996; Матяш С.А. Вопросы поэтики русской эпиграммы. – Караганда: КарГУ, 1991; Евсеева Р.А. Поэтика композиции лирики В.А. Жуковского: Диссертация ... кандидата филологических наук. – Оренбург, 2003; Слонь О.В. Композиция традиционных и нетрадиционных жанров русской середины XIX века (на материале поэзии Н.А. Некрасова): Диссертация ... кандидата филологических наук. – Оренбург, 2007.

¹² Жамол Камол. Лирик шеърятда композиция // Адабиёт назарияси. Икки томлик. 1-том. – Тошкент: Фан, 1978. – Б. 291-310.

¹³ Адабий турлар ва жанрлар (тарихи ва назариясига оид). Уч жилдлик. 2-жилд. Лирика. – Т.: Фан, 1992.

Д.Ўраеванинг, Р.Носировнинг тадқиқотларида ўрганилган ва халқ кўшиқлари жанрларининг композицион хусусиятлари сўз этилган. Булардан ташқари ўзбек адабиётшунослигида Иззат Султон, М.Қўшжонов, Д.Қурононов, К.Ҳамраев¹⁴ ва бошқа олимларнинг адабий композиция масалалари ҳақида муҳим фикрлари мавжуд.

Бошқурд адабиётчиси К.А.Ахмедьянов композициянинг умумийлик қонуниятларини поэмалар асосида талқин қилади ва лирик композициянинг банд тузилиши билан боғлиқ масалаларини ўрганади¹⁵.

Қозоқ адабиётшунослигида лирик композиция махсус тадқиқ қилинмаган бўлса ҳам, З.Қабдолов, З.Ахметов, Қ.Жумалиев¹⁶ ва бошқаларнинг тадқиқотларида адабиётнинг назарий масалалари, лириканинг ўзига хослиги, шакли, шеър тузилиши тўғрисидаги илмий қарашларида лирик композициянинг баъзи масалалари билан, З.Қабдолов тадқиқотида шоир Қадир Мирзалиевнинг поэтик маҳорати масаласи билан биргаликда талқин қилинган¹⁷.

Қорақалпоқ адабиётшунослигида лирик композиция масалалари лирик асарларнинг ҳар хил назарий масалаларига оид тадқиқотлари таркибида ўрганилди. Хусусан, Қ.Жаримбетов лирик жанрлар аспектида¹⁸, Б.Генжемуратов ва А.Досымбетовлар¹⁹ бадиий тасвир усулларини ўрганишда, Д.Пахратдинов тўртлик жанрининг табиатини таркибида, Қ.Оразымбетов, У.Гайлиевлар бадиий шаклнинг элементи сифатида²⁰, Қ.Байниязов, А.Пирназаров, З.Бекбергенова, Ж.Мақсетовлар²¹ шоирларнинг ижодий стили ва маҳорат масалаларини тадқиқ қилган илмий ишлари таркибида, Қ.Муратбаев, Қ.Оразымбетов ва М.Мамбетовлар²² шеър

¹⁴ Sul-ton I. Adabiyot nazariyasi. – Т.: O'qituvchi, 2005; Қўшжонов М. Асар композицияси. Сайланма, 2-том. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1983; Қурононов Д. Назарий қайдлар. – Т.: Академнашр, 2018; Ҳамроев К. Ҳозирги ўзбек ҳикоясида композиция поэтикаси: Филол. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2018.

¹⁵ Ахмедьянов К.А. Вопросы композиции башкирских поэм: Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Казань, 1963.

¹⁶ Қабдолов З. Сөз өнері. – Алматы: Санат, 2007; Ахметов З. Казахское стихосложение. – Алма-Ата: Наука, 1964; Ўша муаллиф. Өлең сөздің теориясы. – Алматы: Мектеп, 1973; Жұмалиев Қ. Әдебиет теориясы. – Алма-Ата: Қазақтың мемлекеттік оқу-педагогика баспасы, 1960.

¹⁷ Қабдолов З. Жебе. – Алматы: Жазушы, 1977.

¹⁸ Жаримбетов Қ. XIX әсир қарақалпақ лирикасының жанрлық кәсіпәтләри хәм раўажлануў тарийхы. – Нөкис: Билим, 2004.

¹⁹ Генжемуратов Б. Әжинияз лирикасы поэтикасы. – Нөкис: Билим, 1997; Досымбетова А. Ш. Сейтов лирикаларында көркем форма (дәстүрий хәм жаңа формалардың синтези, сүүретлеу усуллары, еркин қосықлардың формалық өзгешеликләри): Филол. илим. канд. диссертациясы. – Нөкис, 2008.

²⁰ Оразымбетов Қ. Ҳәзирги қарақалпақ лирикасында көркем формалардың эволюциясы хәм типологиясы. – Нөкис: Билим, 2004; Гайлыева У. Ғәрезсизлик дәуири түркий халықлар лирикасында формалық изленислер хәм олардың типологиясы (Өзбек, қарақалпақ, түркмен лирикасы мысалында). – Нөкис: Билим, 2018.

²¹ Байниязов Қ. Особенности поэтического стиля Аяпбергена Мусаева (в сравнительном аспекте): Автореферат... канд. филол. наук. – Нукус, 1968; Пирназаров А. Жийен хәм Омар шайырлардың дәретиўшилиқ шеберликләри. – Нөкис: Билим, 1993; Ўша муаллиф. Бердақ шығармаларында қолланылған дәретиўшилиқ усуллар. – Нөкис: Билим, 1998; Ўша муаллиф. Өтеш, Омар хәм фольклор. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1991; Бекбергенова З. Ҳәзирги қарақалпақ поэзиясында фольклорлық дәстүрлер. – Нөкис: Илим. 2011; Мақсетова Ж. Поэтическое мастерство Ибрагима Юсупова: Автореферат дис. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1992.

²² Муратбаев Қ. Қарақалпақ поэзиясының қосық қурылысы. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1977; Оразымбетов Қ. Ҳәзирги қарақалпақ лирикасында көркем формалардың эволюциясы хәм типологиясы. – Нөкис: Билим,

тузилиши масаласига оид тадқиқотлари таркибида, К.Худайбергеновнинг²³ тадқиқотида лирик композициянинг у ёки бу компонентлари лирик турнинг спецификаси, лирик конфликт ҳақидаги илмий фикрлари доирасида сўз қилинди.

Бу фаслда жаҳон адабиётшунослигида, шунингдек, рус, ўзбек, қозоқ, бошқурд ва қорақалпоқ адабиётшунослидаги лирик асар композицияси ва унинг типологияси, лирик асар композицияси тўғрисида илмий-назарий фикрлар таҳлил қилиниб, умумлаштирилди ва уларга муносабат билдирилди.

Биринчи бобнинг иккинчи фасли «**Лирик асар композициясининг спецификаси (тамойиллари, бирликлари, усуллари)**» деб номланиб, унда лирик асар композициясининг бошқа адабий турлар композициясидан фарқи ва ўзига хос хусусиятлари махсус ўрганилди. Лирик композиция «туйғу ва ўй-хаёлларини тасвирлашнинг изчиллиги, сўзларни танлаш ва жойлаштириш, сўзларни, фразаларни, синтактик конструкцияларни такрорлаш, нутқ услуби, бандларга ажратиш ёки уларнинг бўлмаслиги, сўз оқимини мисраларга ва синтактик тузилишга ажратишнинг ўзаро муносабати, шеър вазни, товуш қуроллари, қофияланиш усуллари, қофия табиати»²⁴ ҳисобланиб, лириканинг табиатидан келиб чиқиб сюжет, конфликт, образ, мотив, макон ва замон каби адабий категориялар у ёки бу даражада иштирок этиши натижасида лирик асар композициясининг ўзига хослигини таъминлайди.

Диссертацияда композиция тушунчасининг нимани англатиши ва унинг лирик асарлар табиатида қандай аҳамиятга эга эканлигини эътиборга олиб, адабий композиция ва лирик асарлар композицияси ҳақидаги назарий материалларни ўрганиб, лирик композициянинг тамойиллари қуйидагича белгиланди: 1. *Ижодкор ниятининг етакчилиги тамойили.* Шеър композициясини танлашда муаллифнинг бадиий ижодкорлик нияти, поэтик маҳорати асосий ўринни эгаллайди. Чунки, «ҳар бир шеър, ишлатиладиган турли усуллардан қатъий назар, ўзига хос композиция билан туғилади».²⁵ Демак, ҳар бир шеър композициясининг «туғилиши» уни ёзган муаллиф танлаган поэтик ғояси, шакли ва усуллари, дунёқарашининг уйғунлашишига боғлиқ бўлади. 2. *Лирик асар компонентларининг ўзаро боғлиқлиги ва мослиги тамойили* даставвал ғоянинг асарнинг биринчи мисрасидан то охиригача қандай ривожланганлигини аниқлашга ва уларни жойлаштиришдаги муаллифнинг бадиий ниятини тушунишга ёрдам беради. Бунда шеърнинг бандларга бўлиниши, бандларнинг мантикийлиги эътиборга олинади. 3. *Лирик асар тузилишининг бадиий яхлитлиги тамойили* шеърнинг бутун тузилишининг моҳиятини англашга ёрдам беради ва ўз навбатида жанрни аниқлаштиришда ҳам қўлланилади.

2004; O'sha muallif. Qosiq teoriyasi. – T.: Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston Milliy kutubxonasi nashriyoti, 2010; Мамбегова М. Стихосложение в поэзии И.Юсупова. Автореферат дис. ... канд. филол. наук. – Нукус, 1999.

²³ Худайбергенов К. Лирика ҳам омир. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1971.

²⁴ Холшевников В.Е. Анализ композиции лирического стихотворения // Анализ одного стихотворения. – Л.: Изд. Ленинградского Университета, 1985. – С. 7.

²⁵ Адабий турлар ва жанрлар (тарихи ва назариясига оид). Уч жилдлик. 2-жилд. Лирика. – Тошкент: Фан, 1992. – Б. 45.

Лирик композициянинг бирликлари сифатида образ (тематик образ), шеър тузилишининг элементлари ҳисобланган вазн, банд, ритм, қофия, мисра, интонация ва бадиий тасвирлаш усуллари, шунингдек, эпик ва драматик турларга ҳам оид бадиий элементлар: муаммо, мавзу, образлар тизими, ғоя, конфликт, сюжет тузилиши, сюжетдан ташқари элементлар, сарлавҳа ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Умуман, бу фаслда 1) лирик асар композицияси лирик турнинг табиати ва адабий композициянинг қонуниятларига асосланиши; 2) адабий композиция мазмуннинг етказилишида, макон ва замоннинг тасвирланиш имкониятларида, образ, конфликт, бадиий сўз типларида, тасвирлаш усулларида эпик, драматик, лирик турларнинг табиатига нисбатан фарқланиши; 3) фақат лирик турнинг ўзига хос бўлган банд ва мисраларга бўлиниш хусусияти ва тасвирлашдаги субъективлик, умумийлик, медитациянинг етакчилиги лирик композициянинг асосини ташкил этиши; 4) унинг принциплари шу турнинг бадиий функцияларига асосланиши; 5) лирикада мазмун композицион усуллар орқали етказилиши илмий жиҳатдан асосланди.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Ҳозирги қорақалпоқ лирикасининг композицион хусусиятлари**» деб номланиб, бобнинг «**Лирик асарда ички композиция**» деб номланган биринчи фаслида лирик асарларнинг мазмунини етказиш шакллари, мазмун билан боғлиқ композицион бирликлар ички композиция масаласи юзасидан тадқиқ қилинди.

Лирик композицияни семантик аспектда тадқиқ қилувчи олимлар²⁶ мазмуннинг ифодаланиш хусусиятига қараб учта қисмни: бошлаш, тадбиқ қилиш, хулоса (терминлар шартли тарзда олинди. – Т.Г.) ва фикрнинг берилишининг тезис – антитезис – синтез шаклида ташкил топишини тасдиқлайди. Ҳозирги қорақалпоқ лирикасида уч қисмни композицион тузилишнинг бошлаш қисмининг сарлавҳа, риторик, ундалма, савол мазмунидаги турлари учрашади. Бу фаслда риторик бошлашга эга шеърдаги тадбиқ ва хулосанинг берилиши, бошлаш ва хулоса қисмларининг шеърдаги жойлашиш ўрнига нисбатан сарлавҳа ёки шеърнинг ҳар хил сатрларида учрашишидаги композицион вазифалари аниқланди.

Уч қисмни композицион тузилиш лириканинг жанрларига боғлиқ хусусиятларга эга бўлади: пейзаж лирикасида учта қисм бир-бирига ўхшаш вазифани бажаради; ватанпарварлик руҳидаги шеърларда риторик хусусиятлар билан кўтаринки, салтанатли туйғуларни беради; фалсафий шеърларда фикр оқими бир текис; муҳаббат лирикасида ҳиссиётлиликнинг устуворлиги; юмор-сатира шеърларда фикр оқимининг тезлиги, ўйноқлиги кўзга ташланади. Уч қисмни композицион тузилишнинг гоҳида бир қисмининг берилмай қолиш ҳолатлари ҳам учрайди:

Санмың ҳикметлерди оқып уқтым мен,

²⁶ Кожинов В.В. Теория литературы. Основные проблемы в историческом освещении. Роды и жанры литературы. – М.: Изд. АН СССР, 1964; Гусев В.И. В середине века: о лирической поэзии 50-х годов. – М.: Советский писатель, 1960; Томашевский Б.В. Теория литературы. Поэтика. – М.: Аспект Пресс, 2002; Сильман Т.П. Заметки о лирике. – Л.: Советский писатель. 1977; Носиров Р. Халқ кўшиқлари композицияси. – Т.: Фан, 2006.

*Гидир-будыр қосық тоқып уқтым мен –
Көзимде жас қалмай жылап түсіндим,
Көзимнен жас ағып күлип түсіндим:*

*«мен ерте келиппен мына дүньяға,
мен кешлеу келиппен мына дүньяға...»²⁷*

Олти мисрадан турадиган шеърнинг сўнгги икки мисрасида берилган хулоса олдинги тўрт мисрали бандда ўз ифодасини топади. Бошлаш берилмайди. Муаллиф бевосита яқунловчи фикрни тушунтиришга ўтиб кетади. Бундай қилиб уч қисмли композициянинг фақат охирги икки қисмидан фойдаланиб тузилган композициядаги шеърлар кўпинча анафора ёки радифли шеърларда учрайди. Чунки, такрорланиб келган бир хил сўзлар асосий ташкил қилувчи марказ бўлиб, бошқа фикрлар бир-бирига параллель тарзда ўша марказга ташкиллашганидан, кўпчилик вақтда бундай шеърларда бошлаш қисми бутунлай тадбиқ қисмига ўтиб кетади ва у яқунловчи қисм билан мантиқий боғлиқликка эга бўлади.

Қисқа ҳажмли лирик шеърларда (учлик, тўртлик, рубоий) композициянинг уч қисмли тузилиши банд доирасида аниқланади.

Кўпчилик олимлар томонидан лирик шеърдаги мазмунни етказиб беришдаги тезис – антитезис – синтез усули ҳам асосан банд таркибида, камдан-кам ҳолатда бутун шеър бўйича аниқланади. Бу айниқса, икки ва уч мисрали бандларда, учликларда, тўртликларда, фольклор намуналарининг синтези ҳисобланган терма ва тўлғов шаклидаги шеърларда учрашади.

Қорақалпоқ лирикасида фалсафий мазмундаги шеърларда бу усул кўп қўлланилади ва унинг ТТАС, ТТСТ, ТТАТ, ТСТС ва б. турлари кўзга ташланади.

Ҳозирги қорақалпоқ лирикасида наср тилида ёзилган лирик асарлар ҳам учрайди. Уларда лирик шеър композициясидаги мазмунни етказиб беришнинг уч қисмли шакли: бошлаш, тадбиқ қилиш, хулоса қисмлари бўлиши билан бирга, мумтоз шеърят намунасидаги тезис – тезис– антитезис – синтез шаклидаги композиция тўлиқ сақланмайди. Бу шаклдаги шеърларда ички композицияда энг аввало, етакчи кечинмани аниқлаш; 2) шу кечинмани етказиб беришдаги композицион тузилишнинг уйғунлигини, унинг берилган фикрларни ифодалашга бўйсиндирилганлигини аниқлаш; 3) шеърда ифодаланган лирик ҳолатни ва унинг негизидаги ҳаётий вазиятни аниқлаш; 5) поэтик асарни асосий қисмларга ажратиш, яъни уларнинг муносабатларини кўрсатиш, қайси қисм муҳим аҳамиятга эгалигини аниқлаш; 6) гапларнинг ёки синтактик конструкцияларнинг ўзаро қалай боғланганлигини аниқлаш. Бунда асосан банддаги мисралар эмас, балки, ҳар бир гап яқунланган фикрни билдиришини ёки гапда асосий фикрнинг қисмларининг очилиб берилишини, гапларнинг мазмуни қайси композицион усуллар ёки ёрдамчи композицион бирликлар билан етказилиб берилганлигини аниқлаш талаб қилинади.

²⁷ Генжемуратов Б. Оқ қадалган ай. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1997. – Б.25.

Лирик асарнинг ички композициясида пейзаж ва тушнинг аҳамияти катта. Ҳозирги қорақалпоқ лирикасида пейзаж 1) лирик қаҳрамоннинг ички руҳиятининг табиат манзарасига қарама-қаршилигини; 2) ички кечинмалари ва ҳис-туйғуларининг табиат манзараси билан мослиги натижасида унинг руҳиятини ифодалаш, шунингдек, образли тасвирлаш учун қўлланилади.

Лирик асар композициясида туш лирик қаҳрамоннинг психологик тавсифи тариқасида, шунингдек, асарнинг ғоявий мазмунини етказиб бериш учун қўлланилади. Ҳозирги қорақалпоқ лирикасида туш икки хил композицион вазифани бажаради: 1) туш барча икир-чикиригача тасвирланади ва ўқувчи уни интерпретациялаш учун изланади; 2) туш фақат таърифланиб, фикрнинг ярми очик, яъни муаллиф томонидан тушунтирилган, ярми туш орқали англашилади. Тушда замоннинг ҳам, маконнинг ҳам чегараси чекловсиз бўлади. Натижада, фикрни етказишда бошқа бир маконлар шу ернинг ўзида (*«Боғи Эрам каби ғайри юртларда, шўрлаган бир элат тушимга кирар»²⁸*), неча минг асрлар олдинги воқеа ҳозир билан тўқнашади. Шунинг учун, туш орқали фикрни етказиб бериш лирикада ниҳоятда аҳамиятли усулларнинг бири.

Диссертациянинг бу фаслида шеърдаги мазмунни етказиб беришнинг композицион шакллари билан бирга ёрдамчи ички композицион компонентлар сифатида туш, пейзаж, шунингдек, лирик сўз типлари: монолог, диалог, муаллиф сўзи, киритилган (вставной) мисралар тадқиқ қилиниб, тегишли хулосаларга келинган.

Иккинчи бобнинг иккинчи фасли **«Ҳозирги қорақалпоқ лирикасида ташқи композиция масалалари»**га бағишланган. Бунда шеърнинг мисра ва бандларга бўлиниши, бандларнинг турлари, қофияланиш тартиби, бўғин сонлари каби шеър тузилиши билан боғлиқ сифатлари ўрганилди.

Ҳозирги қорақалпоқ лирикасида барқарор бандли тузилишга эга икки, уч, тўрт, беш, олти, саккиз ва ўн қаторли бандли тузилиши билан бирга, барқарор бандли тузилишга эга бўлмаган 18, 22, 26 ва б. мисрали бандлар аралашиб қўлланилган шеърлар, шунингдек, энг қисқа: битта туроқдан иборат, уч бўғинли тўрт сатрли шеърлар билан бирга, энг узун: 5-6 туроқли 22 бўғинли шеърлар учрашади.

Тўрт мисрали банд шакллари орасига қора сўз оралашиб қўлланиладигин тури ҳам кузатилади. Назм билан насрни бирга қўллаш дастури қорақалпоқ халқ дostonларининг таъсири бўлиши билан бирга, муаллифнинг бадий ниятига ҳам боғлиқдир. С.Ибрагимовнинг «Балки – бу умримда минг биринчи тун...» туркумида, Б.Генжемуратовнинг «Учинчи одам» шеърида, Х.Даулетназаровнинг «Сингилларимга» асарларида шеър орасида берилган наср лирик қаҳрамоннинг руҳий ҳолатини таъсирчан етказиб бериш учун қўлланилган. Баъзи шоирлар лирикасида (И.Юсупов ижодида) насрдан асосан сюжет қатнашган шеърларда фойдаланилган ва унда наср сюжетни беришда ёки шеърнинг кириш қисми сифатида

²⁸ Ибрагимов С. Жер менен аспаннўң аралығында. – Нўкис: Қарақалпақстан, 1990. – Б. 16-17.

катнаштирилиб, қолган бандли қисмларида лирик қаҳрамоннинг шу воқеага боғлиқ ички туйғулари тасвирланади.

Қофиянинг композицион вазифаси – шеърнинг чегарасини белгилаб, вазн компонентларини юқори даражада тартиб билан ташкиллаштириши маълум. Ҳозирги қорақалпоқ лирикасида қофияси заиф бўлган шеърларнинг ҳам Ш.Сейтов, К.Каримов, Ж.Хошаниязов, Ш.Аяпов, К.Реймов, С.Ибрагимов, Б.Генжемуратов, Б.Нурабиллаев каби шоирлар лирикасида учрашиши аниқланди ва уларнинг композициясидаги асосий хусусиятлар сифатида куйидагилар белгиланди: қофиясиз шеърлар аксарият ҳолларда, эркин (верлибр) вазнли шеърларда кузатилади; қофиянинг ритм пайдо қилувчи вазифасини тuroқ, бўғин сонлари, товуш ва сўз такрорлари, интонация ва инверсиялар бажаради; мисраларга бўлиниш вазифасини мазмунни етказиб берувчи сўзлар бажаради; шеърдаги сўзларда метафорик-рамзий маъно, мавҳумлилик етакчи бўлганлиги боис эмоционал таъсирчанлиги юқори бўлади; ташқи оламини тасвирлашдан кўра инсоннинг ички оламини ифодалашнинг, шаклга нисбатан мазмуннинг етакчилиги устун бўлади.

Лирик асар композицияси лирик жанрларга нисбатан ҳам ўзига хос хусусиятга эга бўлади. Таъкидлаб айтганда, мазмуни бўйича марсия, элегия, инвектива, айтишув, қасида, ода, пейзаж, романс, мадҳия ва б. жанрларда ички композиция мазмуни бўйича, ташқи композицияси эса банд тузилиши билан аниқланади. Шакли бўйича ажраладиган мустазод, сонет, мувашшах, ғазал, рубоий, маснавий, фард, верлибр ва мисра сонига қараб аниқланадиган мусаддас, мурабба, мухаммас, мусаллас, мусабба, мусамман, тўртлик, хокку, октава ва б. жанрлар ўзининг барқарор, қатъий ички ва ташқи композицион хусусиятига эга бўлиб, бу уларнинг жанр табиатини ҳам белгилайди. Шунингдек, насрий шеърларнинг ташқи композицияси ҳам уларнинг жанри ва шаклий хусусиятларидан келиб чиқиб, матн тузилиши ва синтактик конструкцияларнинг жойлашишига қараб аниқланади.

Мазкур фаслда шеър сарлавҳаси, унинг назарий тафсифи, турлари ҳақида илмий маълумотлар умумийлаштирилади. Лирик асар сарлавҳаси шеър мазмуни билан боғлиқ бўлади, яъни «шеъринг асарларда мазмунинг асосий белгиси ёки мазмуннинг мағзи сарлавҳага кўчирилади»²⁹. Сарлавҳа ўқувчи билан асарнинг учрашиш макони ва замони³⁰ вазифасини бажаради. Тўғри танланган шеър сарлавҳаси унинг ярим муваффақияти ҳисобланади. Ҳозирги қорақалпоқ лирикасида шеър сарлавҳасининг креативли, референтли, рецептивли турлари учрашади. Сарлавҳада креативли инициатива етакчилик қилганда муаллифнинг бадиий нуқтаи назари, яъни унинг воқеа-ҳодисаларга қараши асар сарлавҳасида кўриниб туриши, референтли йўналиш етакчилик қилганда асарнинг сарлавҳаси унинг қаҳрамонининг исми, воқеа, маълум бир шароит, макон ёки замон билан

²⁹ Раҳманова М.С. Абдулла Орипов шеърини бадиий бутунлик: Филол. фан. ном. автореферати. – Тошкент, 1998. – Б. 12.

³⁰ Генжемуратов Б. Ибрайым Юсупов поэмаларинда атама поэтикаси / «Эжинияз атындағы НМПИның илим, билимлендириў ҳам тәрбия маселелерин раўажландырыўдағы орны» атамасындағы Республикалық илимий-теориялық конференция материаллары. – Нөкис: Қарақалпақстан, 2010. – Б. 193.

боғлиқ номланиши, рецептивли сарлавҳаларда образлиликка, метафорик-рамзий тавсифга эга сўз ёки сўз бирикмасидан, гапдан иборат сарлавҳа танланиб, унда ўқувчи томонидан асар сарлавҳасини англаб етиш қийинлашиши ва ўқувчи муаллиф билан тенг даражада туриб изланиши мисоллар билан таҳлил қилинган.

Бу фаслда лирик асарнинг ташқи композицион тузилишида асосий компонент ҳисобланган банд билан бирга: сўзбоши, бағишлов, эпиграф, изоҳ сингари бир қанча шеър мазмуни билан боғлиқ, лекин умумий матндан график жиҳатдан ажралиб турадиган, бадий бирликлари ҳозирги қорақалпоқ лирикаси мисолида таҳлил қилинди ва тегишли хулосага келинди.

Диссертациянинг учинчи боби **«Қорақалпоқ шоирларининг лирик асар композициясини тузишдаги изланишлари»** деб номланиб, икки фаслдан ташкил топган. Биринчи фаслда **«Ҳозирги қорақалпоқ лирикасида композицион усуллар»** масаласи сўз этилади. Композицион усуллар бўйича назарий маълумотлар умумийлаштирилади, муносабат билдирилади ва ҳозирги қорақалпоқ лирикасида қўлланиладиган такрор, ёнма-ён қўйиш, қарама-қарши қўйиш, кучайтиш, монтаж ва б. композицион усуллар қиёсий-типологик ва структурал методлар ёрдамида ўрганилади.

Лирикада ўй-фикрни беришда мос равишда композицион усуллар танланади. Ҳозирги қорақалпоқ лирикасида энг кўп қўлланиладиган усул – такрор бўлиб, унинг шеър матндаги энг кичик шакли товуш такроридан бошлаб, образ ёки деталларнинг такрорини билдирадиган лейтмотивгача учрайди. Улар мазмунни (лейтмотивлар, анафоралар) ва ташқи композицияни (эпифора, аллитерация, радиф, нақорат) шакллантириш сингари банд композицияси билан боғлиқ вазифаларни бажаради.

